O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KIZ PALATA
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 2 MART ◆ SHANBA ◆ №27 (26.886)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 февраль-1 март кунлари Марказий Осиё давлатлари ҳамда МДҲнинг Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ўтган саммитларида иштирок этди.

ҲАМФИКРЛИК ТАРАҚҚИЁТГА ЕТАКЛАЙДИ

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентларининг учрашуви «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотини расмийлаштириш билан якунланди. Таъкидланганидек, тўрт президентнинг ўтган йилнинг декабрида бўлган Тошкент учрашувида эришилган келишув Алматида ҳаётга татбиқ этилди. Ушбу ташаббуснинг эгаси — Ислом Каримов ҳақли равишда янги ташкилотга раис этиб сайланди.

Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти ўзгариши билан бу тўрт мамлакат олдида янги имкониятлар пайдо бўлди. У энди нафақат иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, балки сиёсий, ижтимоий ва бошқа турдаги алоқалар кўламини кенгайтиришга йўл очади.

Янги ташкилотнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у бюрократик тузилма бўлмайди. Ҳар бир аъзо мамлакатдан бевосита давлат раҳбарига ҳисобот берадиган биттадан мувофиқлаштирувчи вакил тайинланади. Улар ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ошириш, аъзо мамлакатларнинг интеграция жараёнларини фаоллаштириш борасидаги нуқтаи назарларини яқинлаштириш ва мослаштириш, турли вазирлик ва муассасалар ўртасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, қабул қилинган ҳужжатларнинг ижросини назорат қилиш ва умумий вазиятни таҳлил этиш билан шуғулланади.

Мисол тариқасида МДҲни келтириш мумкин. Ҳамдўстликнинг турли органларида икки мингга яқин ходим ишлайди. Лекин самара кутилганидек эмас. «Марказий Осиё ҳамкорлиги»да эса асосан тўртта миллий мувофиқлаштирувчи вакил фаолият юритади, холос. Қолган ишларни ташқи сиёсат маҳкамаларининг тегишли ходимлари, ўзаро ҳамкорликка алоқадор бошқа вазирлик ва муассасалар бажараверади.

Шундай қилиб, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» зиммасига минтақада иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг, сиёсий, ижтимоий, илмий-техникавий, маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш вазифаси юкланмоқда. Табиийки, энди у томонларга хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ҳам баҳамжиҳат иш кўришга тўла ҳуқуқ беради. Аъзо мамлакатлар террор, уюшган жиноятчилик, наркобизнес, ғайриқонуний миграция, наркотик моддалар контрабандасига қарши курашда бир-бирини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, бир-бирига ёрдам беради.

Саммитда таъкидланганидек, минтақада савдо-сотиқ, коммуникация, сайёҳлик каби соҳаларда ягона инфратузилмаларни шакллантириш лозим. Бу глобаллашув жараёнида фақат фойда келтиради. Ислом Каримов минтақа мамлакатлари ўртасида ўзаро теледастурлар намойиш қилиш таклифини ҳам илгари сурди. Бу халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришга, қўшнининг ҳолидан бохабар бўлиб туришга, шунингдек, давлатлар ўртасида очиқ мулоқотлар пайдо бўлишига олиб келади. Демак, ўзаро ишонч янада мустаҳкамланади. Бу эса ҳамкорликни ривожлантиришнинг энг асосий омилидир.

Ислом Каримов Қозоғистонда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг норасмий саммитида ҳам иштирок этди. Президентлар Алмати шаҳри яқинидаги «Чимбулоқ» соғломлаштириш мажмуида учрашди. Очиқ ва дўстона руҳда ўтган музокараларда Ҳамдўстлик доирасида кўп томонлама ҳамкорликка оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Президентлар халқаро террорчиликка қарши кураш масаласига ҳам эътибор қаратди.

Давлат раҳбарлари Ҳамдўстликда иқтисодий интеграция жараёнларини янада фаоллаштириш масаласи юзасидан атрофлича фикр алмашди. Матбуот анжуманида таъкидланганидек, бу масалага муносабат ҳар хил, таклиф ва мулоҳазалар ҳам турлича. Лекин, энг муҳими, ҳар бир президент иқтисодий интеграцияни ривожлантириш тарафдоридир.

Тоғли «Чимбулоқ»да давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Россия Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов билан учрашди. Учрашувда энергетика соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири,
Тошкент — Алмати — Тошкент

Суратда:
учрашувдан лавҳа

■ **Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат**

Ўзбекистон Республикасининг ҒФРдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси В.Норов Бернда ўриндошлик асосида мамлакатимизнинг Швейцариядаги элчиси этиб тайинлангани муносабати билан Швейцария Конфедерацияси Президенти К.Филлигерга ишонч ёрлиқларини топширди.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимидан кейин бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Швейцария ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий соҳаларда икки томонлама муносабатларнинг ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги ўрни таъкидланди, мамлакатларимиз ўртасида турли соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш зарурлиги қайд этилди.

■ **«Жаҳон» АА.**

РАҚАМЛАР СЎЗЛАЙДИ

2001 йил мобайнида мамлакатимизнинг барча минтақаларида чет эл сармояси иштирокида 90 та янги корхона ташкил этилди.

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

Роберт Патрик Жон Финни Американинг Афғонистондаги элчиси этиб тайинланди. У тажрибали дипломат. У бир қанча вақт Хорватия ва Озарбойжондаги АҚШ дипломатик миссияси раиси ўринбосари, 1998-2001 йилларда Тожикистонда элчи вазифаларида фаолият олиб борган.

✧ ✧ ✧

Ҳиндистоннинг Гужарат штатида оммавий ғалаёнлар тўхтамаяпти. Куни кеча ана шундай ғалаёнда яна 30 киши қурбон бўлди. Диний низолар туфайли мазкур штат марказида кейинги уч кун ичида қурбонларнинг сони 200 кишига етди. Ҳукумат мамлакатнинг аксарият шаҳарларида хавфсизлик чораларини кучайтиришга мажбур бўлмоқда.

✧ ✧ ✧

Reuters агентлигининг хабар беришича, кеча эрталаб Таиланд пойтахтида Янги зеландиялик таниқли тадбиркор отиб кетилган. Полициянинг аниқлашича, жиноятчи унга ўз уйидан чиққан пайти ҳужум қилган. Ҳозирча жиноятчи шахси аниқлангани йўқ. Маҳаллий кузатувчиларнинг фикрича, ушбу қотиллик мамлакатда хориж инвесторларини жалб қилишга бўлган саъй-ҳаракатларни пучга чиқариши мумкин.

✧ ✧ ✧



Исроилнинг пиёда аскарлари, зирҳли техника қисмлари Фаластин қочқинлари жойлашган Женин лагерини тўла эгаллаб олди. Натижада кўчаларда Исроил ҳарбийлари билан Фаластин жангарилари ўртасида тўқнашувлар юз берди. Қурбонлар ва жароҳатланганлар ҳақида маълумот йўқ.

✧ ✧ ✧

Оқ уй маъмурияти юзга яқин Америка ҳарбийларини Яманга жўнатишга қарор қилди, дея хабар беради Wall Street Journal нашри. Улар Яман ҳарбий қисмлари билан ҳамкорликда террористик кучларга қарши курашиш бўйича машғулотлар ўтказишади.

✧ ✧ ✧

Краснодар ўлкасидаги «Эконефть» компаниясига тегишли ҳудудда оғирлиги 100 килограмм бўлган авиабомба топилди. Мутахассисларнинг аниқлашича, ушбу «топилма» иккинчи жаҳон урушидан мерос қолган экан.

✧ ✧ ✧

Миср Президенти Ҳусний Муборак Саудия шаҳзодаси Абдуллонинг Яқин Шарқ муаммосини ҳал қилиш бўйича ташаббусини қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Бироқ, у мазкур ташаббус янгилик эмаслигини айтиб, Исроил томонидан қабул қилинишига шубҳа билан қарамоқда.

✧ ✧ ✧

НАТО қўшинлари Норвегияда йирик ҳарбий машқларни бошламоқда. «Стронг ризолв — 2002» деб номланган 15 кунлик ҳарбий машқларда НАТОга аъзо 13 та мамлакатдан 20 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчи иштирок этади.

БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

Тошкентда Япония ҳукуматининг кичик ҳажмдаги лойиҳаларга беғараз ёрдам дастури доирасида мамлакатимиздаги айрим илм ва тиббий муассасаларига ажратилган грант-шартномалар имзоланди. Умумий ҳажми 441 минг АҚШ долларидан ортиқ грант-шартномалар Японияннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Тошкент шаҳри ва вилояти, Жиззах, Фарғона вилоятларидаги муайян мактаб ва шифохоналар ўртасида имзоланди. Улар Япония ҳукуматининг беғараз ёрдами туфайли қайта таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланадиган бўлди.

■ **(ЎзА)**

■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

ДИҚҚАТ:

«ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»

Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида баҳорнинг дастлабки ойи мамлакатимизда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» деб белгиланди.

1 мартдан 31 мартгача давом этадиган ойликда барча вазирликлар, қўмиталар ҳамда идораларга тасарруфларидаги транспорт воситалари техник ҳолатининг ҳаракат хавфсизлигига мувофиқлиги ҳамда ходимларнинг йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишлари юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юкланди.

Кўчанинг дуч келган жойидан кесиб ўтавермаслик, светафор чироқларига бўйсуниш каби хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Зеро, бу билан энг аввало ўз ҳаётимизни хавф остига қўймаган бўламиз. Лекин ҳаётимиз учун муҳим бўлган юқоридаги қоидаларга ҳамиша ҳам амал қилаяпмизми?

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги баҳона ҳар бир фуқаро бунга жавоб изласа фақат фойда бўлади.

СЎЛИМ НАВБАҲОР

Кўнгиллар кўнгилдан сув ичар бўлди,
Юраклар ажиб бир туйғуга тўлди.
Гул каби очилиб чеҳралар кулди, —
Ташрифинг муборак, сўлим Навбаҳор!

Яна дилбар бўлиб тонглар отажак,
Энг сара орзулар қанот қоқажак,
Сен билан бошланар нурли келажак,
Ташрифинг муборак, сўлим Навбаҳор!

■ **Гулчеҳра ХЎЖАНОВА**

ОЧИҚ ГАПЛАР

ФЕРМЕР СУВНИ КИМДАН ОЛАДИ?

ФЕРМЕР ЕРИГА СУВ ЕТИШМАСЛИГИДАН НОЛИЙДИ. БИРОҚ У СУВ БЕРАДИГАН ИДОРА БИЛАН ШАРТНОМА ТУЗГАНМИКИН?

Ислом КАРИМОВ:

«...Ерларни суғоришга яроқли сувдан тежаб-тергаб, самарали фойдаланишга, суғориш ва ирригациянинг замонавий тизимларини жорий қилишга, сувдан фойдаланиш интизомини кучайтиришга, бу борада яхши натижаларга эришаётганларни эса рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш ниҳоятда зарур...»

(2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқидан)

Ўтган йили Фарғона вилоят хўжалик суди «Бағдоддонмаҳсулотлари» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг Риштон туманидаги «Олим» фермер хўжалигига нисбатан даъво аризасини кўриб чиқди. Корхона фермер хўжалигини давлат буюртмаси бўйича дон сотиш режасини бажармаганлиги учун судга берган эди. Суд жараёнида жавобгар ўз мажбуриятини бажармаганлигининг асосий сабаби экин майдонини вақтида суғора олмаганлиги эканлиги аён бўлди. Хўш айб кимда?

— Ҳақиқатдан ҳам, — дейди «Олим» фермер хўжалиги бошлиғи М. Исомиддинов, — 2000 йили 5 гектар ерга буғдой экиб, уни агротехника қоидаларига кўра парваришладик, ўғит солдик, ўтоқ қилдик. Лекин, буғдойзорга май ойигача сув беролмадик. Сув хўжалиги идораси ва «Ўрикзор» жамоа хўжалиги бизни сув билан таъминлай олмади. Ахир, май ойигача сув ичмаган буғдойдан қандай қилиб юқори ҳосил олиш мумкин?

Шу тумандаги «Санобар», «Тожимаҳмуд», «Анор» фермер хўжаликлари ҳам буғдой етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини бажара олмай ишлари судга оширилди. Бу хўжаликлар раҳбарларининг барчаси ҳосил кам бўлганлигининг сабабини сув танқислигида, деб изоҳладилар.

— Бизнинг еримиз, — дейди «Анор» фермер хўжалиги бошлиғи Ф. Мўминов, — насос станциясидан сув ичади. Станция эса июль ойининг бошларида ишга туширилди. Биз эккан буғдой тўрт марта ўрнига атиги бир марта суғорилди.

Ўтган йили вилоят хўжалик судида ўз шартнома мажбуриятларини бажармаган 34 та жавобгар фермер хўжалигининг иши кўриб чиқилди. Уларнинг аксарияти сув танқислигидан нолишади...

(Давоми 3-бетда)



ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ САФИДА

ЎЗБЕКИСТОН – БМТ: ТАРИХИЙ 10 ЙИЛ

УНУТИЛМАС ВОҚЕА

Бундан роппа-роса ўн йил муқаддам мамлакатимиз ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди. Эндигина ўз эркини қўлга киритган давлатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинди. Бу воқеа Ватан озодлиги йўлида жонини фидо этган минглаб ўғил-қизларнинг орзулари рўёбга чиққанидан далолат эди. Айни пайтда, у 130 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида турли шаклларда давом этган мустамлакачилик даври тугаганлиги, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланганлигини билдирар эди.

Орадан ўтган ўн йил Ўзбекистонни жаҳонга танитиш, дунёдаги мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш, халқаро ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш даври бўлди. Мамлакатимизда кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари иш бошлади. Бугунги кунда жаҳондаги 30 дан ортиқ мамлакатда Ўзбекистон элчихоналари ва консулликлари фаолият олиб бораяпти. Ўзбекистон халқаро майдонда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлган давлатга айланди. Бунда мамлакатимиз Президенти раҳбарлигида ишлаб чиқилган ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари ва асосий тамойиллари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу тамойилларга давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик каби халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари асос қилиб олинди.

Президент Ислом Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48,50 ҳамда 55- сессияларида иштироки ва сўзлаган нутқлари Ўзбекистон номини жаҳонга танитишда муҳим роль ўйнади. Зеро, бу нутқларда давримизнинг долзарб муаммолари, минтақада ва жаҳонда тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ кўплаб таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Мамлакатимиз раҳбари халқаро минбарларда баён этган Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал қилиш, Марказий Осиёда ядросиз ҳудуд барпо этиш, терроризмга қарши курашда кучларни бирлаштириш каби ташаббуслар халқаро майдонда катта акс-садо топди. Айни пайтда, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, наркобизнесга қарши кураш, Орол денгизи ҳавзаси муаммоларига ҳам жаҳон жамоатчилиги эътибори жалб этилди.

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон БМТнинг ўндан ортиқ ихтисослашган ташкилотларига аъзо бўлди. ЮНЕСКО, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро болалар жамғармаси(ЮНИСЕФ), БМТнинг гиёҳванд моддаларни назорат қилиш бўйича дастури (ЮНДКП), Жаҳон почта иттифоқи, БМТнинг тараққиёт дастури(ЮНДП) каби ташкилотлар билан ҳамкорлик яхши самара бераяпти. Халқ хўжалигининг турли тармоқлари, маориф ва маданият соҳасида кўплаб халқаро лойиҳалар ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Айниқса, ЮНЕСКО билан ҳамкорликни алоҳида таъкидлаш зарур. Мамлакатимизнинг қатор қадимий шаҳарлари, ўтмишда яшаган кўплаб алломаларнинг юбилей тантаналари биргаликда ўтказилди. Шарқ меъморчилиги жавоҳирлари – Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабздаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш, табиий офатлардан асраш бўйича халқаро лойиҳалар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. 1995 йили Самарқандда ЮНЕСКО ҳомийлигида очилган Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти самарали фаолият олиб бораяпти. Эндиликда Термиз ва Шаҳрисабз шаҳарларининг юбилейларини нишонлашга ҳозирлик кўрилмоқда. «Биз ЮНЕСКО Ўзбекистонга бераётган эътибор учун жуда миннатдормиз,— деган эди мамлакатимиз раҳбари. – Бу илдизлари асрлар қаърига туташган, уч минг йилдан кўҳнароқ тарихимизга бўлган эҳтиромдир. Биз бунда қадимий маданиятимиз, ноёб маънавий қадриятлар ҳамда ўлкамизнинг улкан салоҳиятига бўлган қизиқишни кўрамиз. Ниҳоят бу — ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасининг эътироф этилишидир».

Ҳеч шубҳа йўқки, Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотлари билан ҳамкорлиги миқёси янада кенгаяди. Бундан Ўзбекистон ҳам, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам манфаатдор. Зеро, минтақамиздаги мавжуд долзарб масалалар ечими умуминсоний муаммоларни ҳал этишга, дунё хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлашга хизмат қилади.

Биз жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув ҳақида гапирганимизда, энг аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятида иштирок этишимизни назарда тутамиз...

Биз ўзимизнинг бундай обрўли халқаро ташкилот ишидаги иштирокимизни Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик, тинчлик ва тотувликни таъминлашнинг кескин муаммоларига жаҳон жамоатчилиги эътиборини қаратиш имконияти деб биламиз.

Ислом КАРИМОВ

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

БМТНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДОИМИЙ ВАКИЛИ РИЧАРД КОНРОЙ БИЛАН СУҲБАТ

— Муҳтарам жаноб Конрой, ўтган ўн йил давомида шаклланган Ўзбекистон билан БМТ ҳамкорлигини қандай баҳолайсиз?

— Бу даврда Ўзбекистон билан БМТ ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида бир қатор муҳим қадамлар ташланди, деб айта оламан. 1992 йилда бошланган бу ҳамкорлик йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон аъзо бўлган БМТ тизимидаги ташкилотлар сони ҳам, мамлакатингиз қўшилган конвенция ва халқаро битимлар миқдори ҳам ана шундан далолат беради. Бундан ташқари, Ўзбекистон БМТ фаолиятининг кўпгина соҳаларида фаол иштирок этмоқда.

— БМТда кўриб чиқишга тавсия этилган Ўзбекистон ташаббуслари ҳақида қандай фикрдасиз?

— Ўзбекистон БМТнинг кўпгина лойиҳалари, айниқса, Бош Ассамблея томонидан муҳокама қилинган лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида муҳим роль ўйнади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан, Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги самарали ҳамкорликни кўрсатувчи учта мисолни келтириб ўтмоқчиман.

Булардан бири, шубҳасиз, Ўзбекистон томонидан 1995 йили илгари сурилган, Афғонистонга қурол-яроғ киритишни тақиқлаш, яъни эмбарго жорий этиш таклифидир. 1996 йилда БМТ Хавфсизлик Кенгаши бу борада махсус резолюция қабул қилди. Бизнинг фикримизча, унда Ўзбекистон таклифи тўла ўз ифодасини топган.

1997 йилда афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш масаласида мулоқот гуруҳи ташкил этиш бўйича таклиф асосида «6+2» гуруҳи тузилди. Яна Ўзбекистон бу жараённинг асосий иштирокчиларидан бири бўлди.

1999 йилда мамлакатингиз раҳбарияти халқаро терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш ташаббуси билан чиққан эди. Хавфсизлик Кенгашининг терроризмга қарши кураш бўйича махсус қўмита таъсис этиш борасида 2001 йилда қабул қилган қарори мамлакатингизнинг ўша таклифи билан ҳамоҳанг, деб ўйлайман. Ҳозирги пайтда бу қўмита фаол иш олиб бораяпти, унинг мандат ва вазифалари Ўзбекистон қарашларига тўла мос келади. Мана шу уч мисолнинг ўзи ҳам Ўзбекистоннинг БМТ фаолиятидаги муҳим ва конструктив ролини яққол намоён этади.

— Ўзбекистон билан ҳамкорлик келгусида яна қайси йўналишларда давом эттирилади?

— Тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда терроризмга қарши кураш биз ҳамкорликни давом эттирадиган соҳалардан биридир. Ўзбекистон ҳукуматининг бу борадаги таклифлари биз учун фойдали бўлур эди. Биргаликдаги фаолиятимизнинг яна бир доимий йўналиши – тараққиёт соҳасидаги лойиҳалардир. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда БМТнинг бир қатор агентликлари фаолият олиб бораяпти. Техник ёрдам лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг ҳукумат билан ҳамкорлиги жуда муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда уларнинг Ўзбекистон учун дастурлари ҳажми ва миқёси ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Шу билан бирга, БМТнинг Ўзбекистонда расман ваколатхоналари бўлмаган ташкилотларининг дастурлари ҳам Ўзбекистон тузилмалари билан биргаликда амалга оширилмоқда. Бу ташкилотлар анчагина фаол ва кўпгина соҳаларда мамлакатга яқиндан ёрдам бермоқда.

2001 йилда Ўзбекистон БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти(ФАО)га аъзо бўлди. Унинг вакиллари бу ерга ташриф буюрдилар ва бир қатор техник ёрдам лойиҳаларини амалга оширишни режалаштирмоқдалар. Бу лойиҳалардан бири шу йилнинг ўзидаёқ бошланади. Шуниси диққатга сазоворки, иккала томон ҳам ҳамкорликни ривожлантиришга ва биргаликдаги лойиҳаларни амалга оширишга қизиқиш билдирдилар.

— Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни тиклаш борасида БМТ қандай ишларни амалга оширади?

— Ўзбекистон 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин халқаро терроризмга қарши курашда жуда муҳим роль ўйнади. Жумладан, инсонпарварлик ёрдамини – озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам, бошқа зарурий ашёларни ҳам Термиз орқали Афғонистонга етказиб беришга кўмаклашиш борасида тезкорлик билан қарор қабул қилинди. Дастлаб юклар кемалар билан дарёдан ўтказиб берилган бўлса, кўприк очилганидан кейин автомобиль ва темир йўллари орқали ташила бошланди. Шунингдек, инсонпарварлик ташкилотлари вакилларини Афғонистонга ўтказишга ҳам яқиндан ёрдам кўрсатилди. Ўзбекистоннинг қўллаб-қувватлаши Афғонистонда аксилтеррор курашига қўшилган барча тарафлар томонидан юксак баҳоланди. Шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш жараёни жадал давом эттирилаяпти. Масалан, фақат бир ҳафта ичида — 6 февралдан 12 февралгача БМТ Афғонистонга ўн минг тоннадан ортиқ озиқ-овқат жўнатди. Озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришнинг умумий ҳажмини ҳисобга олганда бу жуда юксак кўрсаткич. Биз бу борадаги ишларни худди шундай суръатларда давом эттириш ниятидамиз.

Ўзбекистон ҳукумати Афғонистонни тиклаш жараёнида иштирок этиш нияти ва қизиқишини билдирди. Февраль ойида бу борада расмий доиралар вакиллари билан бир қатор учрашувларимиз бўлиб ўтди. Умид қиламизки, шу йил давомида Ўзбекистон ҳукумати ва турли ташкилотлари Афғонистон халқ хўжалигининг қатор соҳаларини амалда тиклаш ишига ўз ҳиссаларини қўшадилар. Бу борада сизда зарурий имкониятлар ҳам, тажриба ҳам етарли. Биз эса БМТнинг агентликлари раҳбарлари билан бирга Ўзбекистоннинг Афғонистондаги реконструкция жараёнида фаол иштирок этишига яқиндан кўмаклашамиз.

БМТ: ФАКТ ВА РАҚАМЛАРДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1945 йил 24 октябрда 51 мамлакат вакиллари томонидан ташкил этилган эди. Бугунги кунда унга 190 га яқин мамлакат аъзо.

БМТ жаҳон ҳукумати эмас, у қонунлар чиқармайди. Аммо у жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, мамлакатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, халқаро низоларни ҳал этиш, инсониятнинг келажаги билан боғлиқ глобал муаммоларни ҳал этиш билан шуғулланади. БМТда барча аъзо давлатлар, катта ёки кичик, бадавлат ёки фақирлиги, турли сиёсий қараш ва ижтимоий тузумга эга бўлишидан қатъий назар, овоз бериш ҳуқуқига эга.

БМТнинг 6 асосий органи бор. Улардан бештаси — Бош Ассамблея, Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаш, Васийлик бўйича кенгаш ва Котибият Нью-Йоркдаги марказий муассасада, Халқаро Суд эса Нидерландиянинг Гаага шаҳрида жойлашган.

БОШ АССАМБЛЕЯ

БМТга аъзо барча давлатлар инсониятнинг энг долзарб муаммолари муҳокама қилинадиган ўзига хос жаҳон парламенти – Бош Ассамблея йиғилишларида иштирок этадилар. Шунингдек, БМТ аъзоси бўлмаган, аммо унда доимий кузатувчиларга эга бўлган давлатлар(Швейцария, Ватикан, Монако), ҳукуматлараро ташкилотлар вакиллари ҳам Бош Ассамблея йиғинларида ҳозир бўладилар.

Анъанага кўра, ҳар йили сентябрь ойининг учинчи сешанбасида Бош Ассамблеянинг навбатдаги сессияси бошланади. Сессия мобайнида жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, низоларни тинч йўл билан бартараф этиш, давлатлараро сиёсий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий муносабатларни кенгайтириш, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, экологик муаммолар ва ташкилий масалалар кўрилади. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилади.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ

БМТ Низомига кўра, Хавфсизлик Кенгаши жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга масъулдир. Айниқса, минтақавий можароларни бартараф этиш, БМТнинг тинчликни сақлаш бўйича тадбирларини амалга ошириш, ер курраси нинг турли бурчакларида барқарорликни таъминлашда унинг аҳамияти катта. Тинчликка хавф туғилганда, кундузи ёки кечаси бўлишидан қатъий назар, унинг йиғилиши чақирилиши мумкин.

Хавфсизлик Кенгашига 15 давлат аъзо. 5 мамлакат – АҚШ, Буюк Британия, Франция, Россия, Хитой Халқ Республикаси доимий аъзолардир. Кенгашнинг муваққат 10 аъзоси икки йил муддатга сайланади.

Кенгаш қарорлари 9 аъзонинг маъқулловчи овози билан қабул қилинади. Кенгашнинг доимий аъзоларидан бири қарши овоз берса, яъни вето ҳуқуқидан фойдаланса, қарор қабул қилинмайди. Кенгаш қарорларининг бажарилиши барча аъзо давлатлар учун мажбурийдир.

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ КЕНГАШ

Бош Ассамблея раҳбарлигида иш олиб борадиган Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш БМТ ва унинг ихтисослашган муассасаларининг иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги фаолиятини мувофиқлаштиради. У буюк давлатлардан иборат доимий аъзоларга ва 3 йил муддатга сайланадиган 54 муваққат аъзога эга. Кенгашнинг олий органи йилида икки марта – баҳорда Нью-Йоркда, ёзда Женевада чақириладиган сессиялардир. БМТ Низомига кўра, мазкур Кенгаш иқтисодий, ижтимоий, маданий, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги халқаро муаммоларга оид тадқиқотлар ўтказади ва маърузалар тайёрлайди.

ВАСИЙЛИК БЎЙИЧА КЕНГАШ

Васийлик бўйича Кенгаш 7 аъзо давлат бошқаруви остида бўлган 11 васий ҳудуд устидан халқаро кузатувни таъминлаш, мазкур мамлакатлар ҳукуматлари бу ҳудудларни ўз-ўзини бошқаришга ёки мустақилликка тайёрлашларига кўмаклашиш мақсадида тузилган. 1994 йилга келиб барча васий ҳудудлар ўз-ўзини бошқаришга ўтди ёки мустақилликка эришди. Васийлик бўйича Кенгаш амалда ўз вазифасини адо этиб бўлганлиги сабабли лозим бўлган ҳоллардагина ўз йиғилишларини ўтказмоқда.

ХАЛҚАРО СУД

Халқаро Суд, бошқача ном билан айтганда, Жаҳон Суди БМТнинг асосий суд органи ҳисобланади. Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгаши томонидан сайланадиган 15 ҳакамдан иборат Халқаро Суд давлатлар ўртасидаги баҳсларни бартараф этиш, инсониятга қарши жиноят ишларини кўриб чиқиш билан шуғулланади.

КОТИБИЯТ

Котибият Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши ва бошқа органларнинг кўрсатмаларига мувофиқ БМТнинг тезкор ва маъмурий ишларини амалга оширади. У Бош Котиб томонидан бошқарилади.

Ҳозирги пайтда Котибият 9 департамент ва бир қатор бошқармалардан ташкил топган бўлиб, уларда жаҳоннинг 160 га яқин мамлакатидан 8700 киши хизмат қилади. Нью-Йоркда жойлашган марказий муассасалардан ташқари, Женева, Вена, Найроби шаҳарларида ҳам БМТ бўлимлари бор.

БМТ БОШ КОТИБИ КОФИ АННАН

Таниқли Гана давлат арбоби ва дипломат Кофи Аннан 1938 йилда туғилган. 1961 йилда Гана давлатининг Кумаси шаҳридаги Илмий ва техника университетини тамомлаган. АҚШнинг Миннесота штатидаги Макалестер коллежида иқтисод фанидан докторлик даражаси олган. У қарийб 30 йил давомида БМТнинг Аддис-Абеба, Женева, Нью-Йорк шаҳарларидаги ваколатхоналарида, унинг марказий муассасаларида ишлаган. 1996 йил 17 декабрда БМТ Бош Котиби этиб сайланди.

Кофи Аннан жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий тенгликни қарор топтириш, инсоният олдида турган иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш, камбағал давлатларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, қочқинларни бошпана ва озиқ-овқат билан таъминлаш борасида самарали фаолият олиб бормоқда.

2001 йилда Кофи Аннан БМТ Бош Котиблигига қайта сайланди.

РОБИТА БОСҚИЧЛАРИ

✧ ✧ ✧

1995 йил июль ойида Самарқандда ЮНЕСКОнинг «Ипак йўли – мулоқот йўли» дастури доирасида Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти очилди.

✧ ✧ ✧

1995 йил 14-16 сентябрь кунлари Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Тошкент семинар-кенгаши бўлиб ўтди. БМТ ҳомийлигида ўтказилган бу анжуманда 31 давлат ва 6 халқаро ташкилотдан вакиллар иштирок этди.

✧ ✧ ✧

1995 йил сентябрь ойида Нукус шаҳрида Орол денгизи ҳавзаси давлатларининг барқарор ривожланиши бўйича БМТнинг халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Унда Орол муаммосини ҳал этиш борасидаги қарашлар акс этган Нукус Декларацияси қабул қилинди.

✧ ✧ ✧

1996 йил апрелда атоқли давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Парижда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда «Темурийлар даврида фан, маданият ва маърифатнинг гуллаб-яшнаши» мавзуида ҳафталик бўлиб ўтди.

✧ ✧ ✧

1997 йил 14-16 сентябрь кунлари Тошкентда «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи ҳудуд» мавзуидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.

✧ ✧ ✧

1999 йил 19-20 июль кунлари Тошкентда Афғонистон можаросини ҳал этиш бўйича «6+2» гуруҳининг БМТ ҳомийлигидаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда тарихий Тошкент Декларацияси қабул қилинди.

✧ ✧ ✧

2000 йил сентябрь ойида Тошкентда ЮНЕСКОнинг динлараро мулоқот бўйича халқаро конгресси бўлиб ўтди. Унда ЮНЕСКО бош директори Коичиро Матцуура иштирок этди.

✧ ✧ ✧

2000 йил октябрь ойида Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, гиёҳванд моддалар тижорати, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши кураш мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда БМТ бош котибининг ўринбосари, БМТнинг гиёҳванд моддалар устидан назорат ўрнатиш бўйича Бошқармаси бош директори Пино Арлакки ва ЕХҲТнинг амалдаги раиси, Австрия ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Валднер хоним иштирок этдилар.

✧ ✧ ✧

2001 йил октябрь ойида БМТ бош котибининг ўринбосари, БМТнинг инсонпарварлик масалалари бўйича мувофиқлаштирувчиси Кензо Ошима Ўзбекистонга ташриф буюрди. У Президент Ислом Каримов ҳузурида бўлиб, Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш масаласида фикр алмашди.

✧ ✧ ✧

2001 йил декабрь ойида Тошкентда ЮНЕСКОнинг толерантлик масалалари бўйича тармоғи қатнашчилари – Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари вакилларининг Иккинчи учрашуви бўлиб ўтди.

1992 йил 2 март куни Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинди.

✧ ✧ ✧

1993 йил 24 октябрда Тошкентда БМТ ваколатхонаси тантанали суратда очилди.

✧ ✧ ✧

Кейинги йилларда Ўзбекистон БМТнинг кўпгина ихтисослашган ташкилотларига аъзо бўлди. Мамлакатимиз 1992 йил апрелида Жаҳон почта ташкилотига, ўша йил 22 майда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига, 10 июлда Халқаро телекоммуникация уюшмасига, 13 июлда Халқаро меҳнат ташкилотига, 21 октябрда Халқаро Молия корпорацияси, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро валюта фондига, 12 ноябрда Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотига, 21 ноябрда Халқаро тараққиёт ассоциациясига, 1993 йилнинг 22 январида Жаҳон метеорология ташкилотига, 5 майда Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотига, 29 октябрда ЮНЕСКОга, 1994 йилда Халқаро атом энергияси агентлиги, БМТнинг саноат тараққиёти бўйича ташкилотига, 2001 йилда Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига аъзо бўлди.

Саҳифа материалларини Насриддин МУҲАММАДИЕВ ва Ғофир ЖАМОЛОВлар тайёрлашган.

ЭСКИ МАВЗУ, ЭСКИ МУАММО

СИФАТСИЗЛИГИ УЧУН 17 ТОННА ДОРИ ЁҚИБ ЮБОРИЛГАНИ

ЁКИ НОҚОНУНИЙ ОЛИБ КЕЛИНИБ, ҚОНУНСИЗ СОТИЛАЁТГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР, ЎЗ НАФСИНИ ОДАМЛАР ҲАЁТИДАН УСТУН ҚЎЯЁТГАНЛАР ҲАҚИДА

Аэропортда эски танишимни учратиб қолдим. Сафарга кетаётган экан. «Бизнес қиляпмиз, дори сотяпмиз», деди у кулиб. «Дорихона очдингизми?», сўрайман бир пайтлар озиқ-овқат дўконида қоровул бўлиб юргани эсимга тушиб. «Э, йўқ, четдан олиб келиб ўзимизда «оптомга» сотаман. Тирикчилик-да...»

Тўғриси, ҳозир дорихона-ю дорифуруш кўпайгандан кўпаймоқда. Тўғри хизмат кўрсатадиганларга минг раҳмат, савобга қолишмоқда. Афсуски...

Анвар ака деган дўхтирнинг гаплари ёдимга келади. «Ҳеч қачон «қўлдан» дори олманг, укажон. «Қўлдан» олинган облепиха ёғини лабораторияда текшириб кўрганимизда организм учун зарарли моддалар борлиги аниқланди».

Шу ўринда назоратчилар, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ташкилотлар қаёққа қараяпти, деган савол туғилиши табиий. Тўғри, улар бу турдаги ҳуқуқбузарликка қарши кескин чоралар кўришмоқда. Республика Давлат солиқ қўмитаси масъул ходими Жасур Носиров дори-дармон воситаларини сотишда аниқланган қонунбузарликлар тўғрисидаги маълумотлар билан таништиради. Ўтган йили 1088 та юридик шахс мақомига эга дорихоналарнинг 845 тасида турли қонунбузарликлар аниқланган. Жумладан, 48 ҳолатда махсус рухсатномаларсиз фаолият кўрсатиш, 80 ҳолатда назорат-таҳлил кўригидан ўтмаган, сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган 5,3 миллион сўмлик дори-дармонларни сотиш факти қайд қилинди.

Дори-дармон воситаларини сотиш ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузган 759 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, 27 нафар жавобгар шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Мана айрим мисоллар. Бухоро шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 12-уйда яшовчи Роҳат Жумаева дори-дармон воситалари билан савдо қилишга тегишли рухсатнома олмаган. Устига-устак Тошкент ва Қўқон шаҳарларидан истеъмолга яроқлилиги тўғрисидаги лаборатория таҳлил хулосаси бўлмаган умумий баҳоси 619,2 минг сўмлик дори-дармонларни сотиш мақсадида Бухорога олиб келган эди. Аммо фаолиятига чек қўйилди.

Наманган вилояти, Учқўрғон шаҳри, Навоий кўчаси, 34-уйда яшовчи Валижон Дадабоев ўз уйида 58 турдаги дори-дармон воситаларини рухсатномасиз, ноқонуний сотаётган экан. Ушбу хонадондаги дорилар кўздан кечирилганда лаборатория таҳлилидан ўтказилмаганлиги, мавжуд дориларда эса психотроп моддалар борлиги маълум бўлди. Унинг устидан жиноий иш қўзғатилди.

Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Деҳқонобод бозори ёнидаги Ф.Шерматовага тегишли шахсий дорихонада текшириш ўтказилганда психотроп дори-дармонлар туркумига кирувчи «Диапазан» ва «Финазиапан» сотилаётган экан. У энди мазкур дорилар билан қандай «касаллар»ни даволамоқчи бўлганлигини прокуратура ходимларига тушунтириб бермоқда.

Наманган шаҳрида яшовчи Дилмурод Отахонов ўзининг «Дамас» русумли автомашинасида ҳеч қандай ҳужжатсиз 655,9 минг сўмлик дори-дармонни олиб кетаётганда тўхатилди. Суриштурув ишлари олиб борилмоқда.

Андижон шаҳридаги «Шифо» кичик корхонасига қарашли дорихона фаолияти ўрганилганда дори-дармон сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йўқлиги, савдода эса лаборатория таҳлил хулосаси бўлмаган 60 турдаги 84,1 минг сўмлик дорилар борлиги аниқланиб, савдодан олинди ва дорихона фаолияти тўхтатилди.

Шу ўринда истеъмолчилар ҳуқуқи бузилаётганлигини айтиб ўтмоқ зарур. Хўш, истеъмолчи ким? Сизу биз. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилувчи органлардан бири — республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги бошқармаларидир.

Мазкур давлат қўмитасининг Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси ходимлари ҳам ўз ваколатлари доирасида ўтган йили 34 та дорихонада текшириш ўтказишган. Афсуски, уларнинг ҳаммасида қонунбузарликлар содир этилган. Огоҳлантириш ва жарималарга қарамай дорихоналарда қонун талабларига риоя қилмаслик ҳамон учраяпти. Жиззах шаҳридаги «Меҳрибонлик» хусусий дорихонасида лаборатория таҳлилидан ўтмаган, давлат реестрида бўлмаган дори-дармонлар сотилаётганлиги хусусидаги ҳужжатлар ўрганиш учун республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига жўнатилган.

Шу ўринда мамлакатимизга четдан ноқонуний йўллар билан кириб келаётган дори-дармонлар хусусида ҳам икки оғиз тўхталсак. Кейинги икки йилда республикамизга олиб кирилаётган 17 тонна дори-дармон сифатсизлиги учун махсус комиссия қарорига биноан ёқиб юборилган. Кўп эмас, оз эмас 17 тонна-я! Энди ўйлаб кўрайлик: бу «дори»лардан қанча одам, қанчалаб болалар заҳарланиши, ҳаёти хавф остида қолиши мумкин. Шу ўринда масаланинг икки жиҳати кишини ўйга толдиради. Биринчиси — арзон-гаровга яроқсиз дориларни олиб келаётганлар наҳотки одамларга шунчалик ёмонликни раво кўришса?! Наҳотки, ўз қоринлари, чўнтаклари қаппайишини одамлар бахтидан, ҳаётидан устун қўйишса?!

Давлат божхона қўмитаси ходимлари бундай иллатга қарши жиддий чоралар кўришаётганига қарамай қонунбузарликлар учраб турибди. Ўтган йили психотроп ва таркибида гиёҳванд модда бўлган 333,5 минг дона таблетка ва ампула ноқонуний йўл билан олиб келинаётганда ушланди. «Чаққон доришунослар»га нисбатан 80 га яқин жиноий иш қўзғатилган.

— Психотроп ва таркибида наркотик модда бўлган дори воситаларини сақлаш ва сотиш юзасидан қатъий тартиб белгиланган, — дейди республика Дори-дармон давлат акциядорлик уюшмаси раиси ўринбосари Масъуд Файзиев. — Бундай дори воситаларини сақлаш, ташиш, сотиш фақат бизга рухсат этилган. Хусусий дорихоналар учун эса қўшимча яна бир лицензия талаб қилинади. Бундай лицензиялар замонавий жиҳозланган, сигналлаштирилган ва махсус рухсатномаси бор хусусий дорихоналаргагина берилади. Таблетка ва ампулалар фақат шифокор рецепти бўйича сотилади.

Энди масаланинг иккинчи томонига келсак. Ноқонуний йўллар билан олиб келиниб, кўча-кўйда, баъзан дорихоналарда сотилаётган бу дориларни ким харид қилаяпти? Сиз билан биз, ўзимиз. Харидор сифатида, истеъмолчи сифатида нега ўз ҳуқуқимизни ўзимиз ҳимоя этмаймиз, ўзимизни ўзимиз хавф-хатардан асрамаймиз? Тўғриси, ҳақ-ҳуқуқимизни ҳам унча яхши билмаймиз. Энг аввало, тўғри келган жойдан, айниқса, «қўлдан» дори олишда эҳтиёт бўлиш керак эмасми? Қолаверса, олинаётган дорининг муддати, сифати, лаборатория таҳлилини сўраб-суриштиришга ҳақлимиз-ку.

Масаланинг яна бир жиҳати кишини ташвишга солади. Шунча чора кўрилаётганига қарамай нега қаллоб дорифурушлар фаолиятига чек қўйилмаяпти? Демак, нимадир етишмаяпти, қаердадир ҳаракатларимиз кемтик. Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрмоғимиз зарур. Чунки, инсон соғлиғи ҳамма нарсадан муҳим.

■ **Равшан ШОДИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда)

ФЕРМЕР СУВНИ КИМДАН ОЛАДИ?

